

Сийрат дарслари (24-дарс)



13:10 / 15.03.2019 6566

160. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Зоҳир исмли саҳролик киши бор эди. Набий соллаллоху алайҳи васалламга саҳродан ҳадя келтирар эди. У қайтишни ирода қилганида Набий соллаллоху алайҳи васаллам керакли нарсаларни берар эдилар. Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Зоҳир - бизнинг саҳройимиз, биз унинг ҳозиримиз»**, дедилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам уни яхши кўрар эдилар. У кўримсиз одам эди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам бир куни унинг олдига бордилар. У ўз матоларини сотаётган эди. У зот уни орқасидан қучоқлаб олдилар. У эса, у зотни кўра олмас эди. У: «Ким бу? Кўйиб юбор мени», деди ва ўгирилиб Набий соллаллоху алайҳи васалламни таниди. У зотни таниганидан кейин елкаси Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг кўкракларига ёпишганидан қувониб кетди. Набий

соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бу бандани мендан ким сотиб олади?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ундай бўлса, Аллоҳга қасамки, менинг касодга учраганимни кўрасиз», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аммо Аллоҳнинг ҳузурда касодга учрамагансан»** – ёки **«Сен Аллоҳнинг ҳузурда қимматлисан»**, – дедилар».

Аҳмад, Термизий «Шамоил»да ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

161. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир аёл келди ва: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизда менинг бир ҳожатим бор», деди. Шунда у зот унга: **«Эй Умму Фалон, кўчаларнинг қаерини истасанг, ўша ерга бориб ўтир. Мен сен билан ўтирай»**, дедилар. Шунда у ўтирди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у билан ўтирдилар ва у ҳожатини айтди».

Абу Довуд ривоят қилган.

(Мазкура мўмина аёл хаста ва муҳтож эди, аммо кўпчиликнинг олдида ўз муҳтожлигини билдиргиси келмади. Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳам уни хижолатдан қутқариш учун дарду шикоятини холироқ жойда тингладилар. – Тарж.)

* * *

162. Муовия ибн Ҳакам Сулабий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан намоз ўқиётган эдим. Қавмдан бир киши акса уриб қолди. «Ярҳамукаллоҳ» – Аллоҳ сенга раҳм қилсин» – дедим. Қавм менга ўқрайиб қаради. «Онам оқимни кийсин, нега менга бундай қараяпсизлар?» дедим. Улар қўлларини сонларига ура бошлашди. Улар мени жим туришга ишора қилишгани учун сукут сақладим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлдилар. Ота-онам у зотга фидо бўлсин, у зотдан олдин ҳам, кейин ҳам у кишига ўхшаш муаллимни ва яхшироқ таълимни кўрмадим. Мени жеркимадилар, урмадилар, сўкмадилар. У зот менга: **«Албатта, бу намозда одамларнинг каломидан ҳеч нарса мумкин эмас. У фақат тасбиҳ, такбир ва Қуръон қироатидан иборатдир»**, дедилар. Ёки шунга ўхшаш гапни айтдилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен жоҳилиятга яқин одамман. Аллоҳ Исломни келтирди. Биздан коҳинларга борадиган одамлар ҳам бор», дедим. **«Сен унга борма!»** дедилар. «Бизда шумланадиганлар ҳам бор», дедим. **«Бу кўнгилдан ўтадиган нарсадир, у сизларни (мақсадингиздан) тўсмасин»**, дедилар. «Бизда чизиқ чизадиганлар ҳам бор», дедим. **«Анбиёлардан бири чизиқ чизар эди, кимники унинг чизиғига тўғри келса, бўларди** (бу эса даргумон)», дедилар.

Менинг бир жориям бор эди. У Уҳуд ва Жавония та-рафда қўй боқар эди. Бир куни қарасам, (бўри) унинг қўрасидан бир қўйни олибди. Мен ҳам одам боласиман, улар афсусланганлари каби афсусланаман. Шунда унга шапалоқ тортиб юбордим. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. У зот буни катта гуноҳ санадилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, уни озод қилайми?» дедим. **«Уни ҳузуримга келтир»**, дедилар. У зотнинг ҳузурларига уни олиб келдим. Шунда у зот унга: **«Аллоҳ қаерда?»** дедилар. «Осмонда», деди. «Мен кимман?» дедилар. «Сен Аллоҳнинг Расулисан», деди. «Уни озод қил. У мўминадир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

163. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Алий ибн Абу Толиб Ямандан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тупроғидан тозаланмаган ёмби тиллани қараз (ўсимлиги) билан ошланган терига солиб юборди. Шунда у зот уни тўрт киши: Уяйна ибн Бадр, Акраъ ибн Ҳобис, Зайд ал-Хойл ва тўртинчи Алқама ёки Омир ибн Туфайл орасида тақсимладилар. Шунда у зотнинг саҳобаларидан бир киши «Улардан кўра бунга биз ҳақли эдик», деди. Шунда бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга етди ва: **«Менга ишонмайсизларми? Ҳолбуки, мен осмондаги Зотнинг ишончлисман. Менга эртаю кеч осмоннинг хабари келиб туради»**, дедилар. Шунда кўзлари ичига кирган, икки яноғи бўртиб чиққан, дўнгпешона, серсоқол, тақирбош ва иштонини шимариб олган бир киши ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули. Аллоҳдан қўрқинг!» деди. **«Шўринг қурсин! Мен ер аҳлининг Аллоҳдан қўрқишга энг ҳақлиси эмасманми?»** дедилар. Сўнгра ҳалиги киши ортига қайтиб кетди. Шунда Холид ибн Валид: «Эй Аллоҳнинг, унинг бўйнига зарба берайми?» деди. «Йўқ! **Эҳтимол, у намоз ўқир?»** дедилар.

«Қанчадан-қанча намозхон тили билан дилида йўқ нарсани айтади», деди Холид. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, мен одамларнинг қалбини тешиб кўришга ҳам, қоринларини ёриб кўришга ҳам амр қилинмаганман»**, дедилар. Сўнгра у зот кетиб бораётган ҳалиги кишининг ортидан назар солиб туриб: **«Мана шунинг жинсидан бўлган бир қавмлар чиқади. Улар Аллоҳнинг китобини кўп тиловат қиладилар, аммо у уларнинг бўғизларидан нарига ўтмайди. Улар диндан худди ўқ камондан чиққандек чиқадилар. Агар уларни топсам, албатта, Самуд қавмидек қатл қилардим»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан